



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2025  
1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

<b>Наргиза Музафаровна Бабаева</b> Жаҳон лизинг хизматлари бозорининг ҳолати таҳлили ва ўзбекистонда унинг ривожланиш тенденциялари.	70
<b>Рамз Зоиржон ўғли Мухаммадиев</b> Тиббий хизмат сифатини яхшилашда юқори технологиялар ўрни.	77
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Гульнара Мардиевна Шадиева, Бону Бахтиёрвна Давронова</b> Туризм в Узбекистане: драйвер экономического роста и социальной стабильности	80
<b>Maksuda Valeriyevna Israilova</b> Sog'lomlashtirish turizmning mohiyati va rivojlanish tarixi.	84
<b>Dilshod Usmanovich Ruzmanov</b> Turizmда madaniy-tarixiy resurslar salohiyatidan samarali foydalanish usullarini takomillashtirish	90
<b>Nargiza Akbardjonovna Abduvaxidova</b> Barqaror turizm rivojlanishida muammo va imkoniyatlar	94
<b>Фарход Абдихидович Бекназаров, Азиза Пирмаматовна Махмудова</b> Мамлакатимиз экотизими ва маданий меросини комплекс сақлаш ҳамда минтақада экотуризмни ривожлантиришда геопапркларнинг ўрни	99
<b>Aziza Javaxirovna Mir-Djafarova</b> Iqtisodiyotni raqamlashtirishda turizm va mehmonxona xizmatlarini tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish	103
<b>Камилла Бахромовна Суюнова, Олтинбек Бобирович Умаров</b> Роль маркетинговых стратегий в развитии цифровизации сферы туризма в Узбекистане	108
<b>Rayhona Sadriddinovna Amriddinova, Sitara Otabekovna Xamroyeva</b> Jismoniy imkoniyatlari ma'lum darajada cheklangan insonlar turizmini rivojlantirishda innovatsion texnologiyalarning ahamiyati	111
<b>Parvina Asliddin qizi Xolmatova</b> Hududlarda ekoturizmni tashkil etish va rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi	114
<b>Xasan Ibragimovich Turdibekov</b> O'zbekiston sharoitida overturizmni baholash uslubiyatini takomillashtirish	118
<b>Aziza Yusufbekovna Talibova</b> O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot sharoitida ekskursiya xizmatlarini rivojlantirishning samarali yo'llari	122
<b>Нодир Нозимович Негматов</b> Роль визуальных и культурных стимулов Узбекистана в формировании лояльности туристов: нейромаркетинговый подход.	127
<b>Nodirjon Abduxalil o'g'li Xoliqov, Ibragim Xudayarovich Nimatov</b> O'zbekiston Respublikasi turistik salohiyati: tahlillar va istiqbollar	132
<b>Азиза Пирмаматовна Махмудова, Ситора Отабековна Ҳамраева</b> Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда Big Data технологияларидан фойдаланиш йўллари	138
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Nigina Marupovna Usmanova, Mavluda Shuxratjon qizi Nishonova</b> Qarorlar qabul qilish jarayonini tahlil qilish va korxonada boshqaruvni takomillashtirish yo'llari	140
<b>Gulshan Akmalovna Abduvohidova</b> Tashkilot intellektual resurslarini boshqarish tamoyillari	145

<p><b>Н.Абдувахидова</b></p> <p><b>Проблемы и возможности в устойчивом развитии туризма</b></p>	<p><b>N.Abduvakhidova</b></p> <p><b>Challenges and opportunities in sustainable tourism development</b></p>
<p><b>Аннотация.</b> Статья посвящена проблемам и возможностям, связанным с устойчивым развитием туризма. Автор данной статьи рассматривает проблемы, с которыми сталкивается индустрия туризма для обеспечения баланса экологической, социальной и экономической устойчивости. В статье выделены перспективы и стратегии для решения вызовов и достижения устойчивого туристического развития.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> устойчивый туризм, охрана окружающей среды, вовлечение общества, ответственное путешествие.</p>	<p><b>Abstract.</b> The article is devoted to the problems and opportunities related to the sustainable development of tourism. The author of this article examines the challenges faced by the tourism industry to ensure a balance of environmental, social and economic sustainability. The article highlights prospects and strategies for addressing challenges and achieving sustainable tourism development.</p> <p><b>Keywords:</b> sustainable tourism, environmental protection, community involvement, responsible travel.</p>

**Фарход Абдихидович Бекназаров** – СамИСИ, “Туризм” кафедраси доценти,  
**Азиза Пирмаматовна Махмудова** – СамИСИ, “Туризм” кафедраси доценти

**МАМЛАКТИМИЗ ЭКОТИЗИМИ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИНИ САҚЛАШДА  
 САҚЛАШ ҲАМДА МИНТАҚАДА ЭКОТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
 ГЕОПАРКЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада юртимиз экотизимини, маданий меросини сақлашда, мамлакатимизда туризм соҳасининг истиқболли йўналиши экотуризмни ривожлантиришда геопаркларнинг ўрни ва роли кенг ёритилиб, бу борада муаллифлик ёндашувлари илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** экотуризм, геологик ресурслар, геотуризм, геоахборот тизимлари, тарихий-маданий бойликлар, қояли битиклар ва петроглифлар, инновацион технологиялар, биологик хилма-хиллик.

**Кириш.** Яшил иқтисодиёт ва яшил туризмни ривожлантириш шароитида туризмнинг инновацион турларининг ривожланиши нафақат уни маълум бир ҳудудда диверсификациялашга, балки туристлар учун ушбу ҳудуднинг жозибдорлигини оширишга ҳам қаратилган. Бу каби инновацион турларга геотуризм қиради, бу умумий маънода ноёб геологик объектлар (ёдгорликлар)га асосланган таълим туризмнинг йўналиши ҳисобланади. Ҳозирги вақтда геотуризм дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўсишни бошдан кечирмоқда ва туризм соҳасининг мустақил секторини шакллантиришга ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Геотуризмнинг таркибий қисми бўлган геопарклар минтақанинг геологик меросининг бугунги кунда тарих ва жамиятдаги аҳамияти ҳақида хабардорликни ошириш орқали маҳаллий аҳолига ўз минтақаси билан фахрланиш туйғусини беради ва уларнинг ҳудуд билан ҳамнафаслигини кучайтиради. Ҳудудларда глобал геопаркларни ташкил қилиш ва ривожлантириш маҳаллий аҳолининг геотуризм орқали янги иш жойлари орқали даромад манбаларини яратишда, экологик ва маънавий маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Геотуризм экологик туризмнинг бошқа турлари билан биргаликда ривожланиши маҳаллий аҳолига янги асосий ёки қўшимча даромад манбаларини топиш имконини беради, бу эса иш ўринлари сонининг кўпайишига ва аҳоли турмуш даражасини босқичма-босқич оширишга олиб келади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш масалалари бўйича бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ва тадқиқотларида кенг ёритилган. Хусусан, Қ.Х.Абдурахмонов, М.Р.Болтабаев, И.С.Тухлиев, М.Т.Алимова, Е.В.Гольшева, М.Қ.Пардаев, Б.Ш.Сафаров, С.А.Абдухамидов ва бошқаларнинг тадқиқот-

ларида ушбу масалалар кенг ёритилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Геопарклар – бу ҳар томонлама алоҳида муҳофаза қилинадиган, аниқ бир мақомга эга бўлган ҳудуд бўлиб, ушбу ҳудудда Ернинг геологик тарихи, маҳаллий ландшафтларнинг шаклланиши, экспрессив геологик шаклланишлар ҳамда қазилма фауна қатламлари аниқ намоён бўлади. Геопарклар нафақат геологик меъросдир, балки биологик турларнинг яшаш жойи, ўзаро боғланган экотизимлар ҳамда мамлакатимиз маданий ва тарихий меъросидаир. Бундан ташқари геопарклар минтақада экотуризмни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратади.

Ҳозирда жаҳоннинг 48 та мамлакатидан 195 та ЮНЕСКО глобал геопарк-лари мавжуд. Шундан Австрияда- 3та, Белгияда- 1та, Бразилияда- 5та, Канада- 5 та, Хитойда- 40, Финляндияда- 4 та, Францияда- 7 та, Германияда- 8 та, Индонезия- 10 та, Эрон (Ислом Республикасида)- 3 та, Италияда- 11 та, Япония- 10 та, Корея Республикасида- 5 та, Россия Федерацияси- 3 та, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги- 9 та қолган мамла-катларда 1та ва 2тадан ташкил қилинган<sup>1</sup>.

ЮНЕСКО таркибидан бўлган глобал геопарклар геологик ландшафтларни ифода-ловчи ва маҳаллий ташаббуслар асосида барқарор минтақавий ривожланишига ёрдам берувчи ҳудудлар ҳисобланади. Улар иқлим ўзгариши ва табиий офатлар муаммосини кузатиш ва хабардорликни оширишга ёрдам беради.

Турли хил ландшафтлари, геологик хилма-хиллиги, ноёб маданияти ва табиий ресурсларига эга бўлган мамлакатимиз глобал геопарклар тармоғининг бир қисми бўлиши учун жуда қулай шароитларга эга, ҳудудда ЮНЕСКО ҳомийлигида Жаҳон мероси мақомига эга бўлган турли геологик объектлар ажралмас кенг ҳудудлар сифатида муҳофаза қилиниши мумкин.

Бу Ўзбекистонда глобал геопарклар тармоғи дастурини қўллаб-қувватлаш асосида мамлакатимизни Марказий Осиё минтақасида туризм соҳаси ривожланган илғор давлатга айлантириш имконини беради. Глобал геопарклар барча экотизимларнинг ва инсоннинг ландшафт билан ўзаро таъсирининг асосидир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг улкан туризм салоҳияти аввало, қадимий цивилизация ва маданиятлар, қоялардаги битик ва петроглифлар, бетакрор тарихий обидалар, моддий ва номоддий маданий ёдгорликлар ҳамда меъморчиликнинг ажойиб ва бетакрор намуналари бўлган қадриятлар билан белгиланади. Ўзбекистон шундай улкан туризм салоҳиятга эга бўлишига қарамасдан ҳудудларида бу каби ЮНЕСКО глобал геопарклари мавжуд эмас. Аммо Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган геотуристтик объектлар негизида янги геопарклар ташкил қилиш имкониятлари мавжуд. Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси қошидаги Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиққан ҳулосаси бўйича Ўзбекистонда геотуризмни қуйидаги ҳудудларда ривожлантириш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон ҳудудларида геопарклар ташкил қилиш имкониятлари мавжуд бўлган геотуристтик объектлар<sup>2</sup>**

т/р	Геотуристтик объектлар	Жойлашуви ва мазмуни
1.	Бештепа ҳудуди	Бу ерда палеоген давридаги (50 млн. йил олдин) ўсимликларнинг асл ҳолида тошга айланган қолдиқлари мавжуд
2.	Аёз-қалъа	Коракалпогистон Республикасида жойлашган объектда «тош ўрмонлари»нинг терилган қолдиқлари, қуйи мел даври ўсимликларининг тошга айланган ташқи кўринишлари (100 млн. йил олдин) мавжуд

<sup>1</sup> Сафарян А.А., Фирсова А.В. Кунгурский Геопарк: условия создания и их соответствие требованиям ЮНЕСКО / Туризм в глубине России. Сборник трудов III Международного научного семинара, 2014. С. 153–159.

<sup>2</sup> Тадқиқот натижасида ушбу жадвал муаллиф томонидан такомиллаштирилди.

3.	Уст юрт платоси	Бу ерда катга сув ҳавзаларининг қуриши натижасида ҳайкаллар кўринишини олган шакллар мавжуд. Ушбу объект кайнозой даврида (21 млн.йил олдин) қуриган денгизнинг таги ҳисобланади
4.	Ҳисор тизма тоғлари	Жанубий-Ғарбий тизмасида жойлашган бўлиб юра, бўр, палеоген ва неоген даврларидаги (1,8-19,9 млн. йил олдин) қолдиқларни кўрсатувчи ноёб геологик кесим. Бу даврларнинг қолдиқлари кетма-кет худди галерея ҳолида жойлашган, бетакрор кўринишга эга
5.	Китоб геологик давлат кўриқхонаси	1996 йилда Геология фанлари Халқаро уюшмаси томонидан Китоб давлат геология кўриқхонаси жаҳон стратиграфия эталони қуйи девон Эм яруси қуйи чегараси стандарти ёки-«Global Stratotype and Point» <u>глобал</u> стратотип чегараси нуқтасининг <u>соҳиби</u> ва сақловчиси сифатида <u>тан</u> олинди. Унинг кесимлари кўриқхонага халқаро <u>мақом</u> берилишига <u>асос</u> бўлди. Занзилбан сойининг кесмаси Қуйн Девон даври Эм яруси қуйи чегарасининг дунё бўйича стратиграфик эталон-стандарт хисобланади
6.	Сангжумондаги тебранувчи тош	Навоий вилояти Хатирчи туманидаги олимларнинг хулосалари бўйича тошнинг оғирлиги 300 тонна. Мўъжизалиги шундаки, - уни ёш бола ҳам қимирлатиши мумкин
7.	Сармишсой археологик мажмуаси музей-кўриқхонасидаги петроглифлар	Қоратоғ тоғининг жанубий ёнбағридаги Нурота тоғларида жойлашган ушбу дара Навоий шаҳридан 40 километрча узоқликда жойлашган. Сармишсой Ўзбекистоннинг тарихий ва ландшафт сенсацияси деб номланиш ҳуқуқини олган петроглифлар – очик тош юзларидан ўйилган қадимий тасвирлар туфайли олган. Олимлар Сармишсой дарасининг 20 километр квадрат майдонида 10 минга яқин петроглифларни топган. Олимларнинг таъкидлашича, қадимги одамларнинг илк манзилгоҳлари палеолит даврида айнан Сармишсой дарасида пайдо бўлган

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон ҳудудларида бу каби геологик объектлар Навоий вилоятининг Нурота ва Хатирчи туманларда жойлашган Сармишсой археологик мажмуаси музей-кўриқхонасидаги петроглифлар ва Сангжумондаги тебранувчи тош негизида геотуризм самарадорлигини оширишда янги йўналиш бўлган геопаркларни ташкил қилиш ва ривож-лантириш учун барча асос борлигидан далолат бермоқда.

Геопарклар геологик мерос ва ҳудуднинг табиий ва маданий меросининг бошқа барча жиҳатлари ўртасидаги алоқаларни рағбатлантириш билан бирга, геологик тузилиш ўзининг рельефи ва давом этаётган геожараёнлари билан барча экотизимлар учун ҳамда инсоният учун асос эканлигини аниқ кўрсатиб беради. Мисол учун, геологик-структура тузилиши билан белгиланадиган рельеф иқлим хусусиятлари билан бир қаторда, ўз навбатида маълум биологик турлар учун яшаш жойларини олдиндан белгилаб беради ёки ўзининг геологик хусусиятлари ва иқлими туфайли маълум ўсимлик дунёсининг мавжудлиги учун шароит яратади.

Геопарк табиий объектлар, моддий маданий объектлари ва геопарклар ҳудудида содир бўладиган табиий жараёнлардан иборат барча экотизимларни глобал (интеграция-лашган ҳолда) сақлаш учун асосдир. Геопарклар барча табиий ва маданий қадриятларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва яхлит бошқариш ҳудудидир. Геопаркларнинг муҳим ва асосий компоненти ҳудуднинг геологияси ҳисобланади. Геология деганда рельеф,

геологик кесимлар, палеонтологик кесмалар ва топилмалар, алоҳида рельеф шакллари ва ажойиб ландшафтлар, ғорлар, конлар ва геологик тузилмалар тушунилади.

ЮНЕСКО мезонларига кўра, геопарк ҳудудида сайёҳлар ва тадқиқотчиларни ўзига жалб этадиган ажойиб геологик тузилмалар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда фаолият юритаётган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва табиий ҳудудларни бошқаришда рақамлаштириш технологиясини муваффақиятли жорий қилиш учун дунё амалиётида кенг қўлланилаётган геоахборот тизимларидан фойдаланиш таклиф қилинади.

Геоахборот тизимлари ҳудудий-мувофиқлаштирилган маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва қарор қабул қилишга асосланган тизим ҳисобланади. Кенг тармоқли геоахборот тизимларини шакллантириш бой маданий-тарихий бойликлар ва ноёб табиий салоҳиятга эга Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари учун рақамлаштиришнинг амалий масалаларини ҳал қилиш давр талаби ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг асосан биохил-махиллигини сақлаб қолиш ва шу йўналишда ташкил қилинган кўпгина кўриқхоналар, заказниклар ва миллий паркларида бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида геоахборот тизимидан самарали фойдаланиш тавсия қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосидаги 2019-2028-йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистонда фаолият юритаётган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва лойиҳалаштирилаётган геопаркларни, жумладан, табиий ҳудудларни бошқаришда рақамлаштириш технологиясини жорий қилиш учун геоахборот тизимини ишлаб чиқиш таклиф қилинади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611 сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси” ПФ-5611 сонли Фармоннинг 1-илоvasи.
3. Б.В.Агофонов “Правовое обеспечение охраны окружающей среды и экологической безопасности в сфере недропользования”. Монография. - М.: Право ТЭК, 2014. - 478 с.
4. Тухлиев И. С., Бабаев, Ф., & Махмудова, А. (2017). Основные задачи дальнейшего развития туристической отрасли Узбекистана. Индустрия туризма: возможности, приоритеты, проблемы и перспективы, 10(1), 391-398.
5. Tuxliyev I.S., Raximova R.M. (2023). Guidelines for the effective use of the “travel around Uzbekistan” program in the development of local tourism. International journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 impact factor: 8.036, 12(07), 11-15.

<p style="text-align: center;"><b>Ф.Бекназаров, А.Махмудова</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Роль геопарков в комплексном сохранении экосистемы и культурного наследия нашей страны и развитии экотуризма в регионе</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В данной статье рассмотрена роль геопарков в сохранении экосистемы, культурного наследия как перспективного направления туристического сектора нашей страны.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> экотуризм, геологические ресурсы, геотуризм, геоинформационные системы, историко-культурные ресурсы, наскальные надписи и петроглифы, инновационные технологии, биологическое разнообразие.</p>	<p style="text-align: center;"><b>F.Beknazarov, A.Makhmudova</b></p> <p style="text-align: center;"><b>The role of geoparks in the comprehensive conservation of the ecosystem and cultural heritage of our country and the development of ecotourism in the region</b></p> <p><b>Abstract.</b> This article examines the role of geoparks in preserving the ecosystem and cultural heritage as a promising area of the tourism sector in our country.</p> <p><b>Keywords:</b> ecotourism, geological resources, geotourism, geoinformation systems, historical and cultural resources, rock inscriptions and petroglyphs, innovative technologies, biological diversity.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

14.03.2025 йилда теришга берилди. 25.03.2025 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 13,87. Адади 100 нусха. Буюртма № 0012А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.